

МИЛЛИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

Астанова С., ГулДУ ўқитувчиси

Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ривожланишда ва демократик, инсонпарварлик жамиятини қуришда халқ таълими тизимини такомиллаштириш, айниқса, бошланғич таълим иш фаолиятини юқори даражага кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

Ватанпарварлик тарбияси дастлаб оилада, боғчада кейинчалик бошланғич синфларда билим олаётган болаларда шаклланади. Таълимнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчини ватанпарварликка оид дунёқараши шунчалик ривожланади. Шунинг учун ҳам Президент И.А Каримов «...боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади» деб таъкидлаб ўтганлар.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли бошланғич таълим мазмуни тубдан ўзгарди. Миллий ва маънавий қадриятлар асосида янги дастурлар, дарсликлар, ўқув методик тавсиялар, илмий-методик қўлланмалар яратилди. Бошланғич синфлар бўйича давлат таълим стандарти, бошланғич таълим концепцияси яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А Каримов таъкидлаганидек, ватанпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларига бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди. Маданият илм, фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил–қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва эзгулик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларига ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамланган.

Шуни айтиш керакки, бошланғич таълим муаммоларини ечиш, уни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш доимо долзарб бўлиб келган. Бугунги кунда ўқувчи-ёшларда одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ватанпарварликнинг асосий негизини ташкил этади. Адабиётларни ўрганиш ва бошланғич таълим иш тажрибасини кузатишдан шу нарса маълум бўлдики, ўқувчи ёшларда ватанпарварликни шакллантириш ишлари етарлича ҳал этилмаган. Туйғу – мураккаб, руҳий –ахлоқий жараён. У шахснинг юксак ноёб ва нозик ҳислари, хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлиб, ички кечинмаларда ўз аксини топади. Масалан: гўзаллик туйғуси, онага эҳтиром туйғуси, дўстлик туйғуси, севги-муҳаббат туйғуси, ватанпарварлик туйғуси, мустақиллик туйғуси. Буларни инсон фақат дилдан, яъни қалб кўзи орқали туяди ва қабул қилади. Шунинг учун туйғу ўта ноёб ва айни пайтда ўта нозик ходиса. Озгина бефарқлик, беқарорлик ёки инсондаги қалтис ҳаракат ва сезгирликнинг етишмаслиги туйғуни шикастлаб қўйиши мумкин.

Ватанпарварлик туйғуси вақтинчалик ёки мавсумий ҳолда умумлашган синтетик тушунча эмас. Яхлит қонуний тушунча бўлиб, унинг негизини ўз –ўзини тарбиялаш, англаш, инсонийлик, иймон ва эътиқод ташкил қилади.

Дарсларда ўқувчиларга тарбиявий таъсир ўтказишда бошланғич синфлар учун тузилган «Ўқиш китоби» дарсликларидаги материалларнинг ватанпарварликни шакллантириш имкониятлари билан бир қаторда фойдаланиладиган кўرғазмали қурооллар алоҳида ўрин тутади. Таҳлил қилинадиган асарлар мустақил Ўзбекистоннинг тинчлик сиёсати, кишиларимизнинг қаҳрамонона меҳнати, ёшларимизнинг қувноқ ҳаётини акс эттиришга қаратилган бўлса, ўқувчилар қизиқишини орттириш билан бирга, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби туйғуларни шакллантиради.

